

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"O'ZDONMAHSULOT" AKSIYADORLIK KOMPANIYASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"O'ZDONMAHSULOT" AKSIYADORLIK KOMPANIYASI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

201 051 421

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

05.03.2015

Sana

198

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, MIROBOD TUMANI, SHAXRISABZ KO'CHASI, 36-UY

Tomonidan berilgan:

MIROBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

175807



Информация об изменении данных

Информация об изменении данных

До изменения

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)
201 051 421

Наименование
"O'ZDONMANSULOT" AKSIYADORLIK kompaniyasi

Организационно-правовая форма
Акционерное общество

Адрес
город Ташкент, Мирабадский район, Shaxrisabz ko'chasi, 36-uy

После изменения

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)
201 051 421

Наименование
"O'ZDONMANSULOT" AKSIYADORLIK kompaniyasi

Организационно-правовая форма
Акционерное общество

Адрес
город Ташкент, Мирабадский район, Shaxrisabz ko'chasi, 36-uy

Старые основатели

Юридическое лицо
AKSIYADORLAR

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)
20.10.51421

Сумма: 647 766 049 0.00
сум

Доля:
100.00%

Уставный фонд

647 766 049 000 сум

18.10.2022

Дата получения свидетельства



175806

18.10.2022

Дата получения свидетельства



175806




Информация об изменении данных

Будущие учредители

Юридическое лицо	Сумма: 647 566 049 000 сум	Доля: 100.00%
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI		
Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН): 201122919		

Уставный фонд

647 566 049 000 сум



18.10.2022

Дата получения свидетельства

175806



«O'ZDONMAHSULOT» AK
ягона акциядорининг 2022 йил
“20” сентябрдаги 2-сонли қарори билан



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«O'ZDONMAHSULOT» Aksiyadorlik kompaniyasi

У С Т А В И (янги таҳрири)

Тошкент шаҳри - 2022 йил

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2. КОМПАНИЯНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ), ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ, ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖАВОБГАРЛИГИ	3
3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ). ҚЎШИМЧА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ	4
4. УСТАВ ФОНДИ	4
5. АКЦИЯЛАР	5
6. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	7
7. ДАРОМАДИ (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ	7
8. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАР	9
9. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ВА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	9
10. АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ	10
11. КУЗАТУВ КЕНГАШИ	12
12. БОШҚАРУВ	15
13. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ	18
14. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ	19
15. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ	19
16. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ	20
17. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ	20
18. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ	21
19. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	21

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрирда) Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Кейинги ўринларда «Компания» деб аталадиган «O'ZDONMAHSULOT» Aksiyadorlik Kompaniyasi Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3366-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сон қарорига асосан «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил қилинган.

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 14 сентябрда 1176-рақамбилан давлат рўйхатига олинган. Компания «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясининг тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2. КОМПАНИЯНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ), ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ, ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Компаниянинг давлат тили ва лотин алифбосидаги тўлиқ (фирма) номи:- «O'ZDONMAHSULOT» Aksiyadorlik kompaniyasi, қисқартирилган номи:- «O'ZDONMAHSULOT» АК.

-давлат тили ва кирил алифбосидаги тўлиқ номи: - «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» Акциядорлик компанияси, қисқартирилган номи - «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» АК.

-рус тилидаги тўлиқ номи: -Акциядерная компания «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» қисқартирилган номи – АК «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

Компания ўз фирмасининг номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

2.2. Компаниянинг жойлашган жойи ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 36-уй**

Электрон почта манзили: **info@uzdon.uz**

Компания ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш орқали билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.3. Компания **чекланмаган муддатга** ташкил қилинган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлди.

2.4. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.5. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим.

2.6. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.7. Компания белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир.

2.8. Компания амалдаги қонунчиликга мувофиқ бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

2.9. Компания таркибига **43**та корхона, шу жумладан **28**та филиал киради.

2.10. Компания таркибидаги корхоналарда **86**та нон ва макарон ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатади.

2.11. Компания қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланиш, бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, филиаллар тузиш ва ваколатхоналар очишга, уюшма ва ассоциацияларга киришга ҳақлидир.

2.12. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядор Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ)

3.1. Компания қуйидаги мақсадларда тузилган:

илмий асосланган ягона инвестиция сиёсатини юритиш, инвестицион дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш;

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

Компания таркибига кирувчи корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш.

3.2. Компания фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғлик харид қилиш, жойлаштириш ва сақлашни таъминлаш;

юқори сифатли ун навлари, ёрма, омихта ем, шунингдек нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисини улар билан таъминлашни ташкил этиш;

дон маҳсулотлари тармоқ корхоналарининг дон етиштирувчилар-ширкат ва фермер хўжаликлари билан ўзаро муносабатлари механизмларини, шу жумладан донни қабул қилиш, сифатини баҳолаш ва ҳисобга олиш масалаларини такомиллаштириш, дон сифатини таъсирчан назорат қилиш ва уни ҳолисона баҳолаш тизимини яратиш;

тармоқ корхоналарини замонавийлаштириш ва илғор техника билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга кўмаклашиш;

тармоқ корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш, методик йўриқномалар ишлаб чиқиш, кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

Компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари билан биргаликда раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига кўйишда иштирок этиш.

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

3.3. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

4. УСТАВ ФОНДИ

4.1. Компаниянинг Устав фонди, акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал

қийматидан ташкил топади ҳамда Компаниянинг Устав фонди, Компания мол-мулкининг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.2. Компания Устав фонди **647 566 049 000** (олти юз қирқ етти миллиард беш юз олтмиш олти миллион қирқ тўққиз минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати **1000** (бир минг) сўм бўлган **647 566 049** (олти юз қирқ етти миллион беш юз олтмиш олти минг қирқ тўққиз) дона оддий акцияларга (жойлаштирилган) бўлинган.

4.3 Компаниянинг Устав фонди:

қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин; акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.4. Компаниянинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Компания акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.5. Компаниянинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Компаниянинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.6. Компаниянинг Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Компания Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Компаниянинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг Умумий йиғилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5. АКЦИЯЛАР

5.1. Компания томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар қуйидагилардан иборат:

Компаниянинг акциялари номинал қиймати **1000** (бир минг) сўмдан **647 566 049 000** (олти юз қирқ етти миллиард беш юз олтмиш олти миллион қирқ тўққиз минг) сўмлик **647 566 049** (олти юз қирқ етти миллион беш юз олтмиш олти минг қирқ тўққиз) дона оддий акциялардан ташкил топади.

5.2. Компания қўшимча равишда номинал қиймати **1000** (бир минг) сўм бўлган **363 319 861** (уч юз олтмиш уч миллион уч юз ўн тўққиз минг саккиз юз олтмиш бир) дона оддий акцияларни (эълон қилинган акциялар) жойлаштириш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу эълон қилинадиган оддий акциялар келгусида ёпиқ обуна орқали компания ягона акциядорига жойлаштирилади.

5.3. Компания томонидан акциялар чиқарилиши (янги чиқарилиши, қўшимча чиқарилиши) ва жойлаштирилиши акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

5.4. Қўшимча акциялар эълон қилинган мазкур Уставда белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин. Қўшимча акцияларни чиқариш фақат Компаниянинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Компаниянинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда (қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарори) жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланади.

5.5. Компания томонидан акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин акциялар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.6. Компания ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

Компания ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Қонунчиликда белгиланган тартибда Компания акциялари очик обуна йўли билан жойлаштириш бошланишига камида **икки ҳафта** қолганида, қуйидаги ахборотлар ошкор этилади:

акциялар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни;

Компаниянинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

фаолиятнинг асосий йўналишлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) турлари; мустақил рейтинг баҳоси, агар унинг шундай баҳоси бўлса, тегишли изоҳлари билан; акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ акцияларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

Ушбу ахборотни:

агар Компаниянинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш фақат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади;

агар Компаниянинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилмаган бўлса, мажбурий равишда ошкор қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

5.8. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.9. Акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий миқдорининг камида **ўттиз фоизини** ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.10. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.11. Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.12. Компаниянинг Устав фонди кўпайтирилаётганда қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Компания акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.13. Компаниянинг акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Компаниянинг қўшимча акцияларга ҳақ тўлаши уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.14. Агар Компаниянинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акцияларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг **икки юз** бараваридан кўпни ташкил этса, Компания акцияларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланиши зарур.

5.15. Компаниянинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.16. Компания томонидан Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан **бир йилдан** ошмаслиги керак.

Компаниянинг жойлаштирилмаган акциялари ушбу бандининг кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

5.17. Компания рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган акцияларни жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда**, агар барча акциялар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса - ушбу чиқаришдаги сўнгги акцияни жойлаштириш кунидан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда** рўйхатдан ўтказувчи органга акцияларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

6. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Компания акциядорининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Компания фойдасининг тегишли қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг Умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- белгиланган тартибда Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Компания акциядорининг мажбуриятлари:

- Компанияга зарар етказилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- имкон қадар Компания бошқа органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини чеклайдиган ёхуд тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслик; (акциядорнинг қонунчилик билан назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш бундан мустасно)
- қонунчилик, мазкур Устав ва акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар билан назарда тутилган муддат, тартиб ва усулларда акцияларни ўрнига акциялар қийматини тўлаш;
- Компания ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни сақлаш;
- қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Компаниянинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

7. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Солиқлар ва мажбурий тўловлар амалга оширилганидан сўнг Компания тасарруфида қолган даромад (фойда)ни тақсимлаш, Компания Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Дивиденд Компания соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

7.3. Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин **уч ой** ичида қабул қилиниши мумкин.

7.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Компания Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.8. Дивидендлар Компания тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан **олтмиш** кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

7.11. Компания Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Компания акциядорларининг реестридан олинган, Компания томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Компания бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.12. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.13. Дивидендлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Компаниянинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Компания томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Компания томонидан рад этилган тақдирда, Компанияга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

7.14. Компания:

-агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

-агар Компания соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва Захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Компания ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.15. Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Компания тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Компаниянинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.16. Компания фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келган зарарларни тўлаш (қоплаш) Захира фонди ҳисобига амалга оширилади. Зарарларни тўлаш (қоплаш) учун Захира фонди маблағлари етишмаган тақдирда, зарарлар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида Компаниянинг қонунчилик билан йўл қўйиладиган бошқа маблағлари ҳисобига тўланиши (қопланиши) мумкин.

Компаниянинг ҳар йилги ҳомийлик учун харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Юқоридаги ҳомийлик кўрсатиш ўтган йил учун тасдиқланган бизнес-режада кўзда тутилган соф фойда олинган бўлса амалга оширилади.

8. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАР

8.1. Компания Устав фондининг **15 (ўн беш) фоизи** миқдорида Захира фонди ташкил этилади. Компаниянинг Захира фонди Компаниянинг Устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан камида **5 (беш) фоиз** миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг Захира фонди Компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Компаниянинг Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Компаниянинг Захира фонди қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.4. Компания бошқа мақсадли фондларни ташкил этишга ҳақли. Фондларнинг мақсади, миқдори, ташкил қилиш манбалари ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

9. КОМПАНИЯНИ БОШҚАРИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1. Компанияни бошқариш қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Компаниянинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9.2. Компанияни бошқариш акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ҳамда Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши - Компания бошқарувининг олий органи.

Кузатув кенгаши Компания фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи Компаниянинг бошқарув органи, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

Бошқарув – Компаниянинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижрооргани, акциядорлар Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.3. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш **Тафтиш комиссияси** томонидан амалга оширилади.

9.4. Компаниянинг **Ички аудит хизмати** Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Компания Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини

текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компания Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

9.5. Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва унга хулосаларни беришни шартнома асосида Компаниянинг ваколатли органи томонидан белгиланган **аудиторлик ташкилоти** томонидан амалга оширилади.

10. АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

-Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

-Компанияни қайта ташкил этиш;

-Компанияни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

-Компания Кузатув кенгашининг сони ва аъзолари таркибини белгилаш, уларнинг сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

-Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш;

-Компаниянинг Устав фондини камайтириш;

-ўз акцияларини олиш;

-Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

-Компания Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-Компания акциядорларнинг Умумий йиғилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгаши, Бошқаруви, ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Компаниянинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

-Компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ҳамда Компания Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

-Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

-мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Компания Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

-акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

-акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

-имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонунда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

-акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

-акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

-корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

-эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

-қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Қонунда назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Компания Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-Компаниянинг Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

-Бошқарув Раисини ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш, уларни қайта тузиш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

-ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) доирасини белгилаш;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.3. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.4. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.5. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда ва мазкур уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда **ўттиз кундан** кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.6. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган Умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали **қонунчиликда белгиланган муддатда** акциядорлар эътиборига етказилади.

10.7. Акциядорлар Умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ва Компаниянинг Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

10.8. Агар Компаниянинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса, қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилмайди.

Мазкур Устав ва қонунчилик билан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Компания акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Бунда қонунчилик билан белгиланган акциядорлар Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига таалуқли қоидалар бундан мустасно. Компания акциядори томонидан ёзма қарор қабул қилиш учун акциядорлар Умумий йиғилиши чақирилиши талаб қилинмайди. Компания яқка акциядорининг қарори ушбу акциядор (акциядорнинг вакили) томонидан мустақил равишда, Компания Кузатув кенгашининг ва (ёки) Бошқарувининг ёзма мурожаати асосида қабул қилиниши мумкин. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ Компания Кузатув кенгашининг тавсияси ёки Кузатув кенгаш томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим бўлса, бундай қарорлар Компания акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан шундай тавсиялар олинганидан сўнг ёки дастлабки тарзда маъқулланганидан сўнг қабул қилинади.

10.9. Умумий йиғилиш Компания акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан, ҳар йили, қоида тариқасида, **июнь ойида** ўтказилади. Компания Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида, Бошқарув Раисини ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш, уларни қайта тузиш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида масалалар, шунингдек Компания йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

11. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Компаниянинг Кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва мазкур Устави билан акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Компания Кузатув кенгаши ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

11.3. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони **7 (етти)** кишидан иборат.

Компания Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан **бир йил** муддатга сайланади.

11.4. Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Компания Бошқаруви аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Компания Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Компаниянинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

11.5. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

-Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Компания Бошқарувнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш;

-аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Компания ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида қарор қабул қилиш;

-корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, бундан Қонун **65-моддасининг ўн биринчи қисмида** назарда тутилган ҳоллар мустасно;

-акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

-акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

-акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания - акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

-Умумий йиғилиш ўтказиш учун Компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани белгилаш;

-Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

-мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

-йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

-Кузатув кенгашининг қўмиталарини ташкил этиш, ва уларнинг раис ва аъзоларини тайинлаш;

-Компания “мувофиқлик тизими” (комплаенс) хизматини ташкил этиш;

-Компания Кузатув кенгашининг қўмиталари ва Компания “мувофиқлик тизими” (комплаенс) хизмати ҳақидаги низомларини тасдиқлаш;

-ички аудит хизматини ташкил этиш, ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек **ҳар чоракда** унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

-аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

-Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

-Компаниянинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

-дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

-акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

-Компаниянинг Захира фондидан ва бошқа фонларидан фойдаланиш;

-Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

-Компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик Компанияларини ташкил этиш;

-Қонуннинг **8** ва **9-бобларида** назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

-Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

-Компания акциядор (иштирокчи) ҳисобланган, корхоналар бошқарув органларида Компания номидан унинг вакилларининг овоз бериш тартибини белгилаш;

-қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳамда Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши муҳоқамасига киритилган масалаларни ҳал этиш;

-Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин;

-Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

11.6. Компания Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қилади.

Компания Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини шу кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

11.7. Компания Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг, шунингдек Компания овоз берувчи акцияларининг камида **беш** фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади.

Компания Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан **ҳар чоракда камида бир марта** чақирилади. Заруратга кўра Компания Кузатув кенгашининг мажлислари **чоракда бир мартадан кўпроқ** ўтказилиши мумкин.

Компания Ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши таркибида аудит кўмитасини (ташкил этилган тақдирда), Бошқарувнинг ҳисоботини **ҳар чоракда камида бир марта** Кузатув кенгашининг мажлисларида, шу жумладан, видеоконференцалоқа тизими орқали ва электрон овоз (eVOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда эшитиш амалга оширилади.

Янги бир йил муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан мажлис чақирилиши тўғрисидаги бошқа Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш орқали чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Компания Кузатув кенгаши Раисини сайлаш масаласи кўриши шарт.

Мазкур бандининг **биринчи хатбошида** белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув кенгашининг Раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишга мажбур. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чақирилишини талаб қилаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак.

Талаб тақдим этилган санадан эътиборан **ўн кун** ичида Компания Кузатув кенгашининг Раиси мажлисни чақириш тўғрисида ёки мажлисни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масала (лар)ни кўриб чиқиш бўйича Кузатув кенгаши Раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз иш кунидан** кечиктирмай Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилиши керак. Компания Кузатув кенгаши Раиси томонидан мажлиси чақириш ёки бундай мажлисни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори мажлис чақиришни талаб қилган шахсга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч иш** кунидан кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

11.8. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум аниқланади. Бунда кенгашга сайланган аъзоларнинг камида **етмиш беш** фоизи иштирок этганида кворум мавжуд ҳисобланади. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг **етмиш беш** фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Компания Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.9. Компаниянинг Кузатув кенгаши мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда ваколатли бўлади. Кузатув кенгаши мажлисини кенгаш Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, кенгаш аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қилади ва олиб боради. Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича Кузатув кенгаши Раиси, Кузатув кенгаши аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйича маъруза билан таклиф этилган шахс чиқишлари тингланади.

Чиқишларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала муҳокама қилинади. Овозга қўйилган масала бўйича лозим бўлса савол берилади ва овоз берилади. Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиради. Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

11.10. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи Қонун ва мазкур Уставда, ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг **ҳар бир аъзоси битта овозга** эга бўлади. Компания Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Компания Кузатув кенгаши Раиси **ҳал қилувчи овози** ҳуқуқи эга.

Компания Кузатув кенгашининг қарорлари барча аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш (сўров) йўли билан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.11. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: мажлис ўтказилган сана, вақти, жойи, иштирок этган шахслар, мажлисининг кун тартиби, овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, қабул қилинган қарорлар.

Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган аъзолар томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.12. Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Бошқарувга ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Компаниянинг Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.13. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

11.14. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Компания ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзосини мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, **бир йилдан** кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси Компанияга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

12. БОШҚАРУВ

12.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи Компания **Бошқаруви** томонидан амалга оширилади.

12.2. Компания Бошқаруви ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Бошқаруви тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

12.3. Компания Бошқарув аъзоларининг сони **3** (уч) кишидан иборат. Бошқарув раҳбари Бошқарув Раиси ҳисобланади.

Бошқарув таркибига Раис ҳамда Компаниянинг асосий тузилмавий хизматлари ва бўлинмаларнинг раҳбарлари кириши мумкин.

12.4. Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раисини) тайинлаш, қоида тарикасида, танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раисини) тайинлаш учун танлов ўтказиш тартиби Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Компания Бошқарув аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

12.5. Компаниянинг Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Компания билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома Компания номидан Компания Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Компания Бошқарувининг Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Компаниянинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

12.6. Компаниянинг Бошқарув Раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан бир вақтда эгаллаб туришга фақат Компания Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

12.7. Компания Бошқарувнинг ваколатига кундалик фаолиятга раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Компания Бошқарувнинг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

Компания Бошқарувнинг ваколатига кундалик фаолиятга раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ва Компания Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

Компания акциядорлари Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Компания фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги тавсияни тайёрлаш учун Кузатув кенгашига таклифни киритиш;

Бошқарув Раиси томонидан киритилган масалаларни ҳал этиш;

қонунчилик ва мазкур Устави мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.8. Компания Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил этади.

У Компания номидан барча ҳужжатларни ҳамда Компания бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Компаниянинг Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Компания номидан ишончномасиз иш юритади.

Компания Бошқарув мажлислари унинг Раиси томонидан **ҳар чоракда** камида **бир марта** Бошқарувининг бошқа аъзоларига хабар бериш йули билан чақирилади. Заруриятга кўра Компания Бошқарувининг мажлислари **чоракда бир мартадан** кўпроқ ўтказилиши мумкин.

Компания Бошқарув мажлисини ўтказиш учун Бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг камида **олтмиш** фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади.

Бошқарувнинг мажлисида қарорлар агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади.

Компания Бошқаруви мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси **битта** овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди. Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Бошқарувнинг қарорини қабул қилишда Компания Бошқаруви Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Компания Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **уч кундан** кечиктирмай тузилади. Мажлис

баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: мажлис ўтказилган санаси, вақти, жойи, иштирок этган шахслар, мажлиснинг кун тартиби, овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, қабул қилинган қарорлар.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Компания Бошқаруви мажлисининг баённомасидан кўчирмаси ҳам Компания Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси ишончилиги учун жавобгар бўлади.

12.9. Компания Бошқаруви Раиси ваколатига қуйидагилар киради:

-ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

-Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

-Компания номидан битимлар тузиш;

-Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

-штатларни тасдиқлаш ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш, Компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

-ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

-Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

-Компания номидан ҳужжатларни имзолаш;

-Компания номидан ҳаракат қилиш учун ишончномалар бериш;

-банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа рақамлар очиш;

-ўринбосарлар орасида вазифа мажбуриятларини тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича қўлланмаларни тасдиқлаш;

-Компания акциядорлари Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

-Компания кундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

12.10. Бошқарув Раиси қуйидагиларга мажбур:

-Компаниянинг йиллик бизнес-режалари, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

-Компанияни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;

-Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилиниши ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;

-Компания ва унинг ходимлари томонидан Компания фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

-Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тегишли ҳолати ва ҳаққонийлиги ташкил қилинишини таъминлаш;

-бир йилда бир марта акциядорлар Умумий йиғилишида йиллик ҳисобот тақдим этиш;

-ҳар чорақда Кузатув кенгаши олдида Компаниянинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши ҳолати тўғрисида ҳисобот бериш;

-тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида Компаниянинг ҳар йилги молиявий ва бошқа ҳисоботи, фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат қилиш;

-акциядорларга қонунчилик билан бериладиган ҳуқуқларни ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- маъмурий харажатлар ҳисоби ва бошқалар билан тасдиқланган маблағлар доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;
- шартномалар бўйича мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш;
- қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

12.11. Компания Бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Компания ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Компаниянинг Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд Компаниянинг Бошқаруви аъзосини Компанияга мулкый зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, Бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, **бир йилдан** кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Компаниянинг Бошқаруви аъзоси Компанияга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

13. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

13.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан **бир йил муддатга** уч кишидан иборат бўлган **Тафтиш комиссияси** сайланади.

13.2. Компания Тафтиш комиссияси ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади.

13.3. Компания Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Айни бир шахс айни бир Компаниянинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Компания Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.4. Компания Тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонунчилик ва мазкур Устави билан белгиланади.

13.5. Акциядорлар Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

-Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Тафтиш комиссияси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органда мансабни эгаллаб турган шахслардан ёзма талаби асосида олиш ва олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

-Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва текшириш яқунларига кўра хулосани тузиш ва акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишига эшитишга тақдим этиш;

-Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички

хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тузиш ва Компания Кузатув кенгашининг мажлисига тақдим этиш;

-қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

-қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ Кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилиш;

-Тафтиш комиссиянинг ваколат доирасига Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

13.6. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар Умумий йиғилишининг, Компания Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида **беш** фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан **бир йиллик ёки бошқа давр** ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

13.7. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Компаниянинг Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.8. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Компания ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани **ҳар чоракда** Компания Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

13.9. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания Тафтиш комиссиянинг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Тафтиш комиссиянинг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши (компенсация қилиниши) мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг (компенсацияларнинг) миқдорлари Кузатув кенгаши тавсияси асосида акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

14. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

14.1. Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

14.2. Ички аудит хизмати Компаниянинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

15.1. **Аудиторлик ташкилоти** - аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсдир.

15.2. Компания **ҳар йили** йиллик молиявий ҳисоботини текшириш ва тасдиқлаш учун Компания ёки унинг акциядорлари билан мулкый манфаатдорликда бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб қилиши шарт.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

15.4. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

16. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

16.1. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

16.2. Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга **ҳар йилги** ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Компания Бошқаруви зиммасида бўлади.

16.3. Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг Умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

16.4. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисоботларини Молия-бухгалтерия ҳисоби ҳамда Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бошқармалари тайёрлайди.

16.5. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисоботлари қонунчилик талабларига кўра тузилади.

16.6. Компаниянинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **ўн кундан** кечиктирмай Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

16.7. Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида **икки ҳафта** олдин эълон қилиши шарт.

17. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

17.1. Компания:

-Компаниянинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва кўшимчаларни, Компанияни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

-Компаниянинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

-акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Компаниянинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

-Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

-Компаниянинг йиллик ҳисоботини;

-эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

-акциялар эмиссияси рисоласини;

-бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

-тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

-Компания акциядорлари Умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Бошқарув мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Компания Бошқарув Раисининг буйруқларини;

-Компаниянинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

-Компания акциядорларининг реестрларини;

-Компания Тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

-Компания қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам ўрнатилган тартибда сақлаши шарт.

18. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1. Компанияни қайта ташкил этиш акциядорларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

18.2. Компания Умумий йиғилиш қарорига ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

Компанияни тугатилиши қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.


19. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

19.2. Мазкур Уставда ўз аксини топмаган масалалар Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

19.3. Агар қонунчиликда мазкур Уставда назарда тутилганлардан бошқача тартиб белгиланган ҳолатлар бўлса, у ҳолда қонунчилик қоидалари қўлланилади.

“O’ZDONMAHSULOT” АК
Бошқаруви Раиси



Ш.Узаков